

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ**



**Президент Ислом Каримовнинг
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул
қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали
маросимдаги “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва
модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни
қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир”
номли маърузасини таълим муассасаларида ўрганиш
бўйича**

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Андижон -2015

Тузувчи: К. А. Юнусов - Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети ЎДЖҚНА кафедраси профессори, сиёсий фанлар доктори,

Такризчилар:

Т. Ортиқов - Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети фалсафа кафедраси профессори;

Ў.Убайдуллаев - Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети ЎДЖҚНА кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди, доцент

Компьютерда саҳифаловчи: К. А. Юнусов - Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети ЎДЖҚНА кафедраси профессори, сиёсий фанлар доктори,

Ушбу услубий қўлланма Президент Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир» номли маърузасини умумтаълим мактаблари ўқувчилари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўрганиш мақсадида яратилди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетининг 2015 йил _____ ўтказилган Илмий кенгашининг _____ қарори билан нашрга тавсия этилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон ДУ. 2015 йил 46 бет.

Адади 200 нусха. 2,0 босма табоқ.

ББК 66.3(5Ў)+71.04

СЎЗБОШИ

Конституциямизда белгилаб берилган асосий мақсадларимиз барчамизга яхши маълум. Яъни, Бош қомусимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонун стуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳка пойдеворини яратиб берди.

Ислон Каримов.

Президентимиз эътироф этганидек, одамларимизнинг руҳияти ва дунёқараши, ҳаётга, ўз меҳнатининг натижасига муносабати, жаҳонда ва ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик туйғуси тубдан ўзгармоқда.

“Конституция - нафақат бугунги куннинг қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқдир. Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, Конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомусдир”, - деб таъкидлайди Президентимиз.

Эътиборлиси, Конституция – миллат саломатлиги ва таълим тараққиёти кафолати бўлиб ҳисобланади. Конституциямиз 40,41-моддаларида белгилаб берилган тамойилларни амалда бир-бирисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Негаки, унинг 40-моддасида миллат саломатлиги билан боғлиқ ҳуқуқий кафолатлар ҳақида сўз боради. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида эса соғлом ва баркамол авлодни – эртанги кун эгаларини камол топириш ва вояга етказиш вазифаси ётибди. Зотан, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар бугунги кунда жамоатчилик эътибори ва эътирофига тушганлиги ҳам бежиз эмас.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумиллий дастури ҳозирданок ўз самараларини бера бошлади ва бутун талим тизимида туб ўзгаришлар амалга

оширилмоқда. Чунончи, биргина Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумиллий дастури доирасида сўнгги 4 йил мобайнида республикаimizдаги жами 9769 мактабнинг 8500 тасида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Ҳақиқатан ҳам, ниҳоятда улкан, тарихий аҳамиятга эга бўлган ушбу дастурнинг ижроси бўйича қарийб 1,5 триллион сўм маблағ сарфланганини инобатга оладиган бўлсак, ўтган қисқа вақт мобайнида биз бу соҳада қандай катта қадам қўйганимиз яққол намоён бўлади.

2015 йил 5 декабрь куни Тошкент шаҳрида бунёд этилган мухташам Ўзбекистон Халқаро анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов **“Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир”** мавзусида маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида юртимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар, кенг бунёдкорлик ишларимиз асосида демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришилаётган ютуқларимизда, маънавий ҳаётимизда, турмушимиздаги фаровонлик замирида Асосий Қомусимизнинг қоида ва талаблари мустаҳкам пойдевор эканлигини таъкидлади.

“Биз танлаган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар ҳаққоний ва самарали экани, - деб кўрсатиб ўтди Юртбошимиз ўз маърузасида - биз қураётган янги демократик тизимда, иқтисодиётимиз ривожланишининг барқарор, барчани хайратда қолдираётган суръатларида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида ўзининг амалий тасдиғини топмоқда.

Ўтган даврда биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга қарамасдан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январида 31 миллион 500 минг кишини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай улкан натижаларга

эришганимизни, очиғини айтганда, баъзан тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин”¹.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Конституциясининг ҳаётий негизлари ғоят мустаҳкамдир. Чунки халқимизнинг кўп асрлик тажрибаси, маънавий қадриятларимиз, улуг аجدодларимизнинг ҳуқуқий мероси миллий ғоя нормаларига чуқур сингдирилган. Эришаётган ютуқларимиз, бевосита, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган қонунларнинг ҳаётийлигини белгилайди.

Президентимиз ташаббуси билан “Соғлом бола йили” деб эълон қилинган 2014 йил - барчамиз учун, бутун халқимиз учун чуқур амалий маъно-мазмунга эга бўлган мақсадларни, соғлом авлодни тарбиялашдек эзгу ва пок ниятларимизни ўзига қамраб олган ана шу йил муносабати билан қабул қилган умуммиллий Дастуримизнинг бажарилиши муваффақиятли амалга оширилди.

Дастур доирасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган **амалдаги ҳуқуқий-меъёрий базани янада такомиллаштириш** бўйича 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шулар қаторида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида” қабул қилинган қарори моҳият эътибори билан болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг меvasидир, деган ҳаётий ҳикматдан келиб чиққан ҳолда, йил давомида **оилада ўзаро ҳурмат муҳитини, унинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қобилият ва**

¹ Қаранг: Ислон Каримов. “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир” Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2014 йил. 4 бет.

имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Президент Ислом Каримов 2015 йилни **“Кексаларни эъзозлаш йили”** деб эълон қилишни таклиф этди. Шу муносабат билан 2015 йил 18 февралда кексаларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни ўзбек халқининг қўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Кексаларни эъзозлаш йили”** Давлат дастури тўғрисида” қарори қабул қилинди.

Демак, барча таълим муассасаларида муҳтарам Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда **«Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир»** мавзусидаги маърузасини ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини онгу шууримизга жойлаш долзарб вазифадир.

Муаллиф

**Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган
тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва
модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан
давом эттириш — бош мақсадимиздир» номли маърузасини ўрганиш
бўйича**

ТАВСИЯЛАР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **«Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир»** номли маърузасининг мазмун-моҳиятини олий ўқув юрти талабалари ўртасида ўрганишни ташкил этиш юзасидан қуйидагилар тавсия этилади.

1. Ўқув-мавзу режадаги маъруза ва семинар машғулотларини ҳар бир ҳудуднинг ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқиб, таълим соҳасида қабул қилинган умуммиллий давлат дастурлари доирасида маҳаллий материаллар, маълумотлар, мисолларга таянган ҳолда юқори савияда ўтказиш.

2. Ижтимоий фанлар бўйича машғулотлар олиб борувчи профессор-ўқитувчилар ўз маърузаларини Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги **«Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир»** номли маърузасининг мазмун-моҳияти билан узвий равишда ижодий ёндашган ҳолда боғлаб ўтиш.

3. **“Миллий ғоя ва маънавият асослари”** фанидан таълим муассасаларида дарс берувчи педагоглар ва профессор-ўқитувчилар Президентимиз маърузаси мазмун-моҳиятини ҳамда аҳамиятини ўқувчи-ёшлар онгу шуурига тўлиқ етказишга эришиш.

4. Президентимиз маърузаси мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятига бағишланган мавзуларда таълим муассасалари ўқитувчи ва мураббийларига доимий ҳаракатдаги ўқув-семинарларида машғулот ўтказиш.

5. Президентимиз маърузаси мазмун-моҳиятини ҳамда аҳамиятини ўргатиш юзасидан ўқувчи-ёшлар иштирокида давра суҳбатлари иштирокида давра суҳбатлари ташкил этиш.

6. Президентимиз маърузаси мазмун-моҳиятини ҳамда аҳамиятига бағишланган Республика илмий-амалий конференцияларида маърузалар билан иштирок этиш бўйича методик тавсиялар ёзиш, газета ва журналларда илмий мақолалар билан иштирок этиш.

7. Баркамол авлод тарбиясида “Оила, мактаб ва маҳалла ҳамкорлиги концепцияси”нинг ролига бағишланган мавзуларда ушбу ташкилий мутасадди ва ходимлари фаол иштирокида мунтазам равишда давра суҳбатлари, мунозаралар ташкил этиш.

8. Машғулотларга ҳар бир тингловчининг олдиндан тегишли мавзулар бўйича маърузаларни ва бошқа материалларни мустақил мутолаа этиб, конспект, ишланмалар ва тезислар тузган ҳолда фаол иштирок этиши.

9. Мазкур маъруза машғулотларини интерфаол асосда тернинг, баҳс, мунозара ва шу каби усулларда ташкил.


10. Ушбу машғулотларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимда **«Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир»** мавзусидаги маърузаси видеотасвиридан фойдаланиш.

**Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган
тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва
модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан
давом эттириш — бош мақсадимиздир» номли маърузасини ўрганиш
бўйича кўргазмали воситалар**



1-жадвал

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ –
ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ВА
КАФОЛАТИ**



2-жадвал

**ЎТГАН ДАВРДА БИЗ ДУЧ КЕЛГАН ОВИР СИНОВЛАРГА
ҚАРАМАСДАН, МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА**

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ҚАРИЙБ 5 БАРОБАР ЎСДИ

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ЖОН БОШИГА ЎРТАЧА 8,7 БАРОБАР ЎСДИ

**МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИ БУ ДАВРДА 1,5 МАРТА КЎПАЙИБ,
2015 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРИДА 31 МИЛЛИОН 500 МИНГ КИШИНИ
ТАШКИЛ ЭТДИ**

**МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТАШҚИ ҚАРЗИ ЯЛПИ ИЧКИ
МАҲСУЛОТГА НИСБАТАН 15 ФОИЗДАН ОШМАДИ**

ИЧКИ ҚАРЗИМИЗ УМУМАН ЙЎҚ

**ЭКСПОРТ ҲАЖМИ, ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИМИЗ БАРҚАРОР
СУРЪАТЛАР БИЛАН ОШИБ БОРМОҚДА**

**ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТНИНГ ЙИЛЛИК ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ
СЎНГГИ 10 ЙИЛ ДАВОМИДА 8 ФОИЗДАН ЗИЁД БЎЛИБ КЕЛМОҚДА**

“... бугун биз XXI асрда — интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, - деб таъкидлади Юртбошимиз ўз маърузасида, - жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётгани бу ҳақиқатни яна тасдиқлаб бермоқда.

Бундан қандай хулоса чиқариш керак?

Жавоб битта: бундай шароитда фақат эришган ютуқлари билан чекланиб қолмасдан, жадал ўзгариб бораётган давр билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина ўз эзгу мақсадларига эришиши мумкин.


Ҳаётнинг ана шундай қатъий талабини қайд этган ҳолда, **биз танлаган мақсад, яъни тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз ва келажак авлодимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлида биз амалга оширган ишларимиз эзгу ниятларимизга эришишнинг фақатгина бир қисми эканини англаб олишимиз даркор.**

Шунинг учун ҳам қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланмасдан, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилмаслигимиз, аксинча, янги марралар сари интилишимиз, доимо изланиб яшашимиз, тараққиёт ва янгиланиш йўлидан изчиллик билан янада илгарилаб боришимиз зарур.

Ана шу фикр ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, бошқача қилиб айтганда, ўзимизнинг узок ва давомли муддатга мўлжалланган стратегиямизни қабул қилдик, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз”².

Маълумки, юртимизнинг келгусидаги тараққиётида стратегик дастурий аҳамиятга эга бўлган ушбу асар олти бобдан иборат бўлиб, улар мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим соҳаларини ўз ичига олади. Булар қуйидагилардан иборат.

3-жадвал



I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.

II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш.

III. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.

IV. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.

V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.

VI. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

4-жадвал

ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА(2010 ЙИЛ 12 НОЯБРДАН)

Концепцияда белгилаб берилган 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётимизга татбиқ этилмоқда

ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принципи асосида туб демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди

Конституциямизга давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари– мамлакат Президенти, парламенти, ҳукумати ва суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар тақсимотини оптималлаштиришни таъминлашга қаратилган тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди

I. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ишлар

1. Қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди

2. Давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятларини кенгайтирди

3. Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг принцип ва тартиби ўзгартирилди

4. Ҳукуматнинг ваколатлари янада кенгайтирилди, унинг парламент олдида, жойлардаги давлат бошқаруви органларининг Халқ депутатлари кенгашлари олдидаги масъулияти оширилди

5. Конституциявий қонунчиликка Бош вазир лавозимиغا номзодни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан таклиф этилиши каби муҳим институтлар киритилди

6. Конституцияда парламентнинг ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи, барча ҳокимият тармоқларининг ҳуқуқлари тенглиги ва мутаносиблигини таъминлашга қаратилган бошқа кўплаб қоидаларга аниқлик киритилди

7. Бош қомусимизда парламент ва жамоатчилик назорати институти, уни амалга ошириш механизмларининг мустаҳкамлангани ҳам ҳокимиятни демократик модернизация қилишда улкан аҳамият касб этди

II. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

1. Сиёсий партияларнинг етуклик даражаси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу конституциявий ислохотларнинг энг муҳим асоси, уларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи шарти ва гаровига айланмоқда

2. Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди

3. Судда жиноий ишларни кўриб чиқишда қонунийлик, адолатни таъминлашнинг ушбу самарали механизмининг изчил ривожлантирган ҳолда, “Хабеас корпус” институтини қўллаш доираси кенгайтирилди

4. Эндиликда шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий массасага жойлаштириш ҳам фақат судьянинг санкцияси асосида амалга оширилиши мумкин

5. Умумий юрисдикция судларининг таркибий тузилмаси ва фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, суд ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилди

6. Ишларни кўриб чиқиш сифатини ошириш ва муддатларини қисқартириш мақсадида фуқаролик судлари сони кўпайтирилди

7. Судья лавозимида номзодларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди

**III. АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ,
АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР:**

1) фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;

2) оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга;

3) мамлакатни демократлаштириш жараёнларида уларнинг ролини оширишга хизмат қилмоқда.

**Юртимизда оммавий ахборот воситалари сони жадал ўсиб бормоқда.
Бугунги кунда уларнинг сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар**

жумладан, газеталар 2,5 марта, журналлар эса 3,5 карра кўпайди

***IV. Ўзбекистонда сайлов тизимини шакллантириш ва
ривожлантириш соҳасида ҳам чуқур демократик
ўзгаришлар амалга оширилди***

1. Асосий қонунимизнинг 117-моддасига киритилган сўнгги тузатишларга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантириш тизими ва шунингдек, унинг асосий фаолият принциплари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди.

2. ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш учун масъул бўлган сайлов органларининг бутун тизими мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди.

3. сайлов қонунчилигига киритилган, сайлаш эркинлиги ва ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий тамойилни амалга оширишга қаратилган ана шундай ва бошқа қатор ўзгартиш ва қўшимчалар шу йил 21 декабрь куни Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган депутатлар сайловини Конституциямиз ва сайлов қонунчилиги ва ўз-ўзидан равшанки, халқаро демократик қонунчилик талабларига тўла мос тарзда ўтказиш имконини беради.

V. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.

1. Сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг фаолиятини т ташкил этиш тартибини тубдан соддалаштиришни таъминлади.

2. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирди.

3. Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг сиёсий онги ва тафаккурини юксалтириш, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, ишга жойлаштириш, аҳолининг ёрдамга мухтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳаларда уларнинг роли янада ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида 8 минг 100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу 2010 йилга нисбатан 1,6 марта кўпдир.

**VI. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодийтни
либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича амалга оширилган
ишлар.**

**1. Иқтисодийтни демократлаштириш ва
эркинлаштириш соҳасига, кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорликни қўллаб-
қувватлашнинг самарали механизмларини
яратишга алоҳида эътибор қаратилди.**

**2. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш
тартиб-таомиллари тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”, янги
тахрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг
кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқа қонун ҳужжатларига
мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур рухсат
бериш тартиб-таомилларининг рўйхати ва турлари изчил
кискартирилди.**

**3. Кейинги йилларда рухсат беришга оид тартиб-
таомилларнинг 160 дан ортиғи ёки 44 фоизи, лицензиялаш
талаб қилинадиган фаолиятнинг 19 тури ёки 25 фоизи бекор
қилинди.**

**4. Тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат
органларига тақдим этиладиган статистика, солиқ ва
молиявий ҳисоботларнинг шакли ва даврийлиги 1,5-2 марта
камайтирилди.**

**5. Тадбиркорликнинг миллий анъана ва урф-одатларимизга
тўла мос келадиган янги шакли — оилавий бизнесни
ривожлантириш учун кенг шарт-шароитлар яратилди.**

“Бугунги кунда, - деб фикрини давом эттириб Юртбошимиз, - дунёда содир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршилиқлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг кучайиб бораётгани, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидлар бизни ташвишга солмасдан қўймайди, албатта.

Глобал маконда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётгани, товар бозорларида талабнинг кескин камайиб бораётгани ва конъюнктуранинг бекарорлиги кўпгина давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига, инвестиция фаоллигининг сусайиши ва четга капитал чиқиб кетишининг кучайишига олиб келмоқда.

Мана шундай кескинлашув ва жаҳон бозоридаги ноаниқ вазият кейинги йилларда ҳам давом этиши мумкин. Ўз-ўзидан аёнки, кутилаётган барча салбий ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш учун барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик, сафарбарлик ва режаларимизга, аввало, **Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб қилинади**”³.

11- жадвал

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда, бутун жаҳон миқёсида сиёсий, иқтисодий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, энг муҳим устувор вазифаларимиз:

иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш

ишлаб чиқаришни узлуксиз техник ва технологик янгилаб бориш

замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишни асосий мақсадимиз сифатида кўришимиз керак

³ Ўша асар. 6 бет.

Биз учун мутлақо янги бўлган, бутунлай янгитдан ташкил этилган тармоқлар ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари

Ҳозирги кунда бу корхоналарнинг тайёр маҳсулотлари жаҳон бозорида муносиб ўрин эгалламоқда.

автомобилсозлик саноати бўйича

**енгил
автомобиллар**

**юк ва махсус
машиналар**

**двигателлар ва
асосий бутловчи
қисмлар ишлаб
чиқариш**

**1.шунингдек, янги
моделдаги хорижий
техникаларни ўзлаштириш
негизида замонавий қишлоқ
хўжалиги машинасозлиги**

**2.нефть-кимё ва
нефть-газ
саноатини
ривожлантириш**

**3.темир йўл
вагонларини
ишлаб
чиқариш**

**4.маиший
электроника**


5.фармацевтик

**6.микробиология
тармоқлари**

Айнан туб таркибий ўзгаришлар, юқори технологияларга асосланган янги ва замонавий корхоналарни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда янгилаш ва модернизация қилиш борасида пухта ўйланган стратегия туфайли мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотида:

13- жадвал

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг улуши



Бизнинг эътиборимиз марказида туриши керак бўлган энг муҳим масалалардан яна бири – бу Конституциямизга мувофиқ кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳалари бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш, уларнинг эркинлигини таъминлашдир.

Ҳозирги вақтда айнаи мана шундай ўта долзарб масаланинг кун тартибига кескин қўйилиши, ҳеч шубҳасиз, шу залда ўтирган мулкдорлар, кичик бизнес эгалари ва хусусий тадбиркорлар, умуман, бутун халқимизнинг руҳини кўтаришга, эртанги кунга янада катта ишонч билан қарашига асос беради.

Ўтган йиллар давомида хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини химоя қилишга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асослар яратиш, хусусий мулкдорлар учун зарур шароит ва кафолатлар туғдириб бериш бўйича амалга оширилган ишлар

Шу йиллар мобайнида:


1. Иқтисодиётимизнинг турли тармоқларидаги давлат мулки ҳисобланган **31 мингдан зиёд корхона** хусусий мулкдорлар ва акциядорлар ихтиёрига берилди

2. Қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат турларининг барчаси ва бошқа кўплаб тармоқлар деярли тўлиқ хусусий мулк соҳасига ўтказилди

3. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқараётган тўқимачилик, трикотаж, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, мебель саноати, уй-жой секторида давлат мулкининг улushi кескин камайди

4. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг айнан ана шундай соҳа ва тармоқларида ўсиш суръатлари ва меҳнат унумдорлиги бошқа тармоқларга караганда баркадор равишда юкори бўлиб келмоқда

5. Хусусий секторнинг улushi ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматлари, мобиль алоқа тармоқлари, қурилиш ишлари ва бошқа соҳаларда ҳам юкоридир



тўқимачилик саноатида

**1.
Сингапурнинг
“Индорама” ко
мпанияси**

**1. Жанубий
Кореянинг
“Дэу
текстиль” комп**

**1. Жанубий
Кореянинг
“Янг вон”
компанияси**

**1.Швейцария
нинг “Ритер”
компанияси**

ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида

**1. Хитойнинг
“Хуавей”
компанияси**

**2.Хитойнинг
“ЗТЕ”,
компанияси**

озик-овқат саноатида

**Швейцариянинг
“Нестле”
компанияси
компанияси**

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда

**1.Германиянинг
Кнауф”
компанияси**

**2. Хитойнинг
“Пенг Шенг”
компанияси**

фармацевтика саноатида

Швейцариянинг
“Нобель”
компанияси

16-жадвал



**“2014 йил - соғлом бола йили”да
4 триллион 795 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.**

Бу борада қуйдагилар амалга оширилди:

1. Дастур доирасида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган амалдаги ҳуқуқий-меъёрий базани янада такомиллаштириш бўйича 3 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида” қарор қабул қилинди.

йил давомида оилада ўзаро ҳурмат муҳитини, унинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, опасингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар

Янги оила қураётган 2 мингдан ортиқ ёшларда турли касалликлар аниқланиб, улар амбулатор ва стационар шароитда даволанди



“Соғлом она — соғлом бола” лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунинг натижасида 2 миллион 800 минг аёл ва 2 миллион 500 минг бола соғломлаштирилгани бу йўлдаги катта қадам бўлди.

Аёлларимизни тадбиркорлик соҳасига жалб этиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида камида 50 фоиз ишчи-хизматчилари хотин-қизлардан иборат бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 770 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди.

Чекка қишлоқларда “Гўзаллик салон”лари, таъмирлаш ва тикув цехлари, маиший техникаларни тузатиш шохобчаларидан иборат 150 дан ортиқ хизмат кўрсатиш комплекси барпо этилгани турмуш маданиятини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчилари орасидан ўз бизнесини ташкил қилишга интилаётган йигит-қизларга 170 миллиард 700 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратиб берилди.

Ёш oilаларга уй-жой сотиб олиш, уни қуриш ва реконструкция қилиш, узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни харид қилиш учун қарийб 215 миллиард сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ва 57 миллиард сўмлик фоизсиз қарз маблағлари ажратилди.

Касаба уюшмалари федерацияси томонидан 1 миллиард 500 минг сўм қийматидаги маиший электр техника воситалари кам таъминланган oilаларга бепул тарқатилди.



“2014 йил - соғлом бола йили”да тиббиёт соҳасида

1. Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида 137 та тиббиёт муассасасида, жумладан, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари, Андижон шаҳридаги туғруқ комплекси, Тошкент шаҳридаги болалар санаторийси, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг болалар хирургияси бўлими ва бошқа соғлиқни сақлаш масканларида қарийб 410 миллиард сўмлик қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

2. Хорижий молия институтларининг 28 миллион 500 минг долларлик кредит ва грант маблағлари ҳисобидан туман тиббиёт бирлашмалари, Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, онкология муассасалари, вилоят шифохоналари замонавий даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

3. Бугунги кунда юртимиздаги етакчи клиника ва тиббиёт марказларида энг илғор технологиялар ёрдамида ноёб операциялар амалга оширилмоқда. Масалан, Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган мураккаб операциялар тўғрисида 100 нафар боланинг эшитиш қобилияти тикланли.

4. Республика ихтисослаштирилган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуасида эса сўнгги икки йилда 5 минг 200 нафардан ортиқ бемор жарроҳлик операцияларини бажармасдан туриб даволанди.

5. Фарзандларимиз ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида бу йил миллий эмлаш календарига ротавирус вакцинаси киритилиб, қарийб 300 минг бола ўшбу вакцина билан эмланди.

6. Мамлакатимизда ногирон болалар туғилишининг олдини олишдек олийжаноб мақсадни амалга оширишда республикамизнинг барча ҳудудларида, нуфузи ва самараси тобора ортиб бораётган скрининг марказлари фаолият кўрсатаётмоқда.

7. Биргина жорий йилнинг ўзида ушбу марказлар томонидан 20 мингдан ортиқ нуқсонли бола туғилишининг олди олинганини ҳеч нарса билан ўлчаб-қиёслаб бўлмайди.

8. Тошкент шаҳрида тўртинчи, яъни энг юқори даражали кўп тармоқли замонавий болалар шифохонасини қуриш ва жиҳозлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Корея Республикаси Иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ўртасида кредит шартномаси имзолангани бунинг яққол далилидир.


Қарийб 103 миллион доллар ҳисобидан барпо этиш кўзда тутилаётган, ҳар жиҳатдан ноёб ушбу тиббий марказни, насиб этса, 2017 йилда ишга туширамыз.

18- жадвал



Ўтган давр мобайнида замонавий ахборот-коммуникация тизимидан, Интернетдан кенг фойдаланиш ҳисобидан таълим-тарбия самарасини кучайтириш, болалар, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш бўйича кенг қўламдаги ишларимиз давом эттирилди.

1. бу йил юртимиз ўқувчиларидан 10 нафари хорижий мамлакатларда ўтказилган йирик халқаро мусиқа ва санъат фестивалларида “Гран при” деб аталадиган энг юқори совринни, 60 нафари эса биринчи ўринни қўлга киритди.



2. Спорт соҳасида: футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатининг чорак финалида ғалаба қозониб, қитъамиздаги тўртта давлатдан бири сифатида келгуси йили Янги Зеландияда бўладиган жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритди.

3. Хитой Халқ Республикасининг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги иккинчи Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз 4 та олтин, 3 та кумуш, 3 та бронза, жами ўн та медалга эришдилар.

4. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган Осиё ўйинларида эса юртимиз фарзандлари 9 та олтин, 14 та кумуш, 21 та бронза, жами 44 та медалга сазовор бўлдилар.

5. Дастур доирасида қизларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида уларга 6 миллиард сўмлик спорт кийимлари тўплами бепул берилди.

6. Мактаб ўқувчилари учун 34 миллион 500 минг нусхадаги дарслик ва ўқув-методик қўлланмалар юртимиздаги таълим олиб бориладиган 7 тилда нашр қилинди.

7. Жорий йилда ҳам қарийб 587 минг 1-синф ўқувчиси салкам 28 миллиард сўм қийматидаги дарслик ва ўқув анжомлари билан таъминланди.

8. Умумтаълим мактабларидаги чет тили фани, аввало, инглиз тилини ўрганиш учун мўлжалланган ўқув хоналари 45 миллиард сўмлик замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, техник воситалар билан жиҳозланди.

19- жадвал

2015 йил – КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Бугунги кунда мамлакатимизда 60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75.8 ёшга етди.

Айни пайтда юртимизда 80 ёшдан ошганлар сони - 225 минг нафар

90 ёшдан ошганлар сони - 44 минг нафар

100 ёшдан ошган табарруқ қариялар сони – 8 минг 700 нафар

3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси

фронт ортида меҳнат қилган - 69 минг 994 нафар

**кексаларимизни ҳар томонлама
қадрлаш мақсадида мамлакатимизда
амалга оширилаётган ишлар:**

**Шу йилнинг ўзида(2014 йилда) уларга давлат бюджети ҳисобидан 11
триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия тўланди.**

2014 йилда 105 миллиард сўмдан зиёд нафақалар тўланди.

**Дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бугунги кунда давлатимиз
пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори ўртача ойликнинг 41
фоиздан зиёдини ташкил этмоқда.**

**Кекса авлод вакилларига нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар
томонидан кўрсатилган моддий ва маънавий кўмак:**

**2013 йилда “Нуроний” жамғармаси томонидан шу мақсадда 610
миллион сўм маблағ сарф қилинди.**

**жорий йилнинг(2014 йил) 9 ойида эса 553 миллион сўмдан ортиқ маблағ
йўналтирилди.**

**“Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан 2013 йилда 1 миллиард 597
миллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.**

**шу йилнинг ўтган 9 ойида эса 1 миллиард 614 миллион сўмлик ёрдам
кўрсатилди.**

“Асрлар синовидан ўтган мана шундай ўлмас кадриятларга таяниб, ўз кучи ва қудратига ишониб-инониб яшаётган халқимизни ўз танлаган йўлидан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтара олмайди. Биз ўз мақсадларимизга албатта эришамиз ва кўзлаган марраларимизга албатта етамиз”.

Ислон Каримов.

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир» номли маърузасини ўрганиш бўйича тестлар.

1. Президент Ислон Каримовнинг “Амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият қуриш ёруғ келажагимизнинг асосий омиллари” маърузаси қачон ва қаерда бўлиб ўтган?

А) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги арафасида 2013 йил 7-декабрда ўтказилган анжуманда.

Б) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжумани 2013 йил 5-декабрда

С) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишидаги маърузаси. 2015 йил 18-январь

Д) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи йиғилишидаги маърузаси 2015 йил 22-январь.

2. “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш - бош мақсадимиздир” мавзусидаги маърузасини аниқланг.

А) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллик маърузаси. 2014 йил 5-декабр.

Б) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигидаги маърузи 2013 йил 9-май

- С) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасини 2015 йил 18-январдаги маърузаси
- Д) Ўзбекистон Республикаси Сенатининг 2015 йил 22-январь кунги маърузаси

3. Президент Ислом Каримовнинг “Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузани қачон ва қаерда қилинган:

- А) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12-ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузаси.
- Б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Сенатининг 2015 йил 22-январь кунги маърузаси.
- С) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигидаги маърузаси. 2013 йил 7 декабрь.

4. “Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” асари неча бобдан иборат?

- А) 4 боб. С) 5 боб.
- Б) 6 боб . Д) 7 боб.

5. Ислом Каримовнинг “Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасининг биринчи боби қандай номланади?

- А) Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
- Б) Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш.
- С) Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш.
- Д) Фуқаролик жамияти институтларини шакиллантириш ва ривожлантириш.

6. Ислом Каримовнинг “Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасининг иккинчи боби қандай номланади?

- А) Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
- Б) Суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш.
- С) Ахборот тизимини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.
- Д) Фуқаролик жамияти институтларини шакиллантириш ва ривожлантириш.

7 Ислом Каримовнинг “Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” асарининг 3 боби қандай номланган?

- А) Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
- Б) Суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш.
- С) Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.
- Д) Фуқаролик жамияти институтларини шакиллантириш ва ривожлантириш.

8. Ислом Каримовнинг “Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” асарининг 4 боби қандай номланган?

- А) Фуқаролик жамияти институтларини шакиллантириш ва ривожлантириш.
- Б) Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.

С) Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.

Д) Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини таъминлаш ва сайлов фонунчилигини ривожлантириш

9. Ислом Каримовнинг “Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” асарининг 5 боби қандай номланган?

- А) Фуқаролик жамияти институтларини шакиллантириш ва ривожлантириш.
- Б) Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.
- С) Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
- Д) Фуқаролик жамияти институтларини шакиллантириш ва ривожлантириш.

10. Ислом Каримовнинг “Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” асарининг 6 боби қандай номланган

- А) Фуқаролик жамияти институтларини шакиллантириш ва ривожлантириш.
- Б) Ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.
- С) Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
- Д) Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш

11. 2013 йил “Соғлом бола йили” давлат дастурини бажаришда қанча маблағ сарф қилинди.

- А) 4тр. 795 млрд.сўм +260 млн АҚШ доллари
- Б) 3тр. 595 млрд.сўм +460 млн АҚШ доллар
- С) 2тр. 695 млрд.сўм +160 млн АҚШ доллар
- Д) 1тр. 995 млрд.сўм +660 млн АҚШ доллар

12. Хозирда Ўзбекистонда давлат бюджетининг қанча фоизи ижтимоий соҳага ажратилмоқда?

- А) 60 %. Б) 58,3 %. *С) 59,4 %. Д) 55,6 %.

13. Хозирда Ўзбекистонда давлат бюджетининг қанча фоизи таълим соҳасига ажратилмоқда?

- А) 39,6 %. Б) 58,3 %. С) 32,1 %. *Д) 34,3 %.

14. Хозирда Ўзбекистонда давлат бюджетининг қанча фоизи соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилмоқда?

А) 21 %. Б) 15 % га яқин. С) 16 % га яқин. Д) 14 %.

15. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти неча баробар ривожланди?

А) 2 баробар. Б) 4 баробар. *С) 5 баробар. Д) 3 баробар.

16. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аҳоли даромадлари жон бошига неча баробар ўсди?

А) 7 баробар. *Б) 8,7 баробар. С) 7,9 баробар. Д) 8,1 баробар.

17. Мустақиллик йилларида мамалакатимиз аҳолиси неча марта кўпайди?

*А) 1.5 марта. Б) 1 марта. С) 1,3 марта. Д) 2 марта.

18. 2015 йил 1 январиди Ўзбекистон аҳолисининг сони қанчани ташкил этди.

А) 29,5 миллион. Б) 30,5 миллион. *С) 31,5 миллион. Д) 32 миллион.

19. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш сурати қанчани ташкил қилмоқда?

А) 4 % дан зиёд. Б) 6,5 % дан зиёд. С) 8 % дан зиёд. Д) 9 % дан зиёд.

20. Бугунги кунда Ўзбекистонда босма оммавий ахборот воситалари сони кейинги 10 йилда неча баробар кўпайди?

А) 1,5 баробар. Б) 2,5 баробар. С) 3,5 баробар. Д) 9 баробар.

21. Ҳозирда Ўзбекистонда 60 ёшга тўлганлар сони қанчани ташкил қилади?

А) 2 миллион 273 мингдан ортиқ. Б) 2 миллион 573 мингдан ортиқ.

*С) 2 миллион 873 мингдан ортиқ. Д) 1 миллион 973 мингдан ортиқ.

22. Ҳозирда Ўзбекистонда 80 ёшдан ошганлар сони қанчани ташкил этади?

А) 210 000 нафар. Б) 250 000 нафар. С) 300 000 нафар. Д) 225 000 нафар.

23. Ҳозирда Ўзбекистонда 90 ёшдан ошганлар сони қанча?

А) 445000 нафар. *Б) 44000 нафар. С) 50 000 нафар. Д) 52000 нафар.

24. Ҳозирда Ўзбекистонда 100 ёшдан ошганлар сони қанчани ташкил қилади?

А) 9000 нафар. *Б) 8700 нафар. С) 8500 нафар. Д) 7000 нафар.

Тест саволларининг жавоблари

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13
A	A	A	B	A	B	C	D	D	D	A	C	D
14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24		
B	C	B	A	C	C	A	C	D	B	B		

ГЛОССАРИЙ

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ — бу алоҳида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинадиган ва истеъмол, жамғарма, турли йиғин ва солиқларга сарфланадиган пул ва натурал тушумлар мажмуидир.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ - бу давлат томонидан муносиб турмушни, яъни жамият ривожининг замонавий босқичидаги стандартларга мос моддий таъминотни ва инсоннинг эркин ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан кафолатланадиган ва амалга ошириладиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуасидир.

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ - бу аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини белгилайдиган шароитлар ва кўрсаткичлар мажмуидир.

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҶСИШ - бу иқтисодиётнинг узоқ вақт давомида юқори суръатлар билан ўсиб боришидир.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ — бу шундай ривожланишки, у аҳолининг ҳозирги эҳтиёжларини қондиради ва келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини хавф остига қўймайди.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ — эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

ГЛОБАЛЛАШУВ — (инглизча globalism) — геосиёсат ва сиёсатнинг асосий категорияларидан бўлиб, глобаллашув дунё миқёсида сиёсий, маданий жараёнлар ёхуд иқтисодий фаолиятнинг бир тизимда интеграциялашуви ҳамда трансмиллий маблағларнинг тақсимотини англатади.

ГЛОБАЛ МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ИНҚИРОЗ — жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида молиявий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги мутаносиблик ва нисбатларнинг кескин издан чиқиши натижасидаги беқарорлик ва чуқур танглик ҳолатларининг вужудга келиши.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ — давлат органларининг ташкиллаштирувчи, ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолияти бўлиб, қонун асосида амалга оширилади.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — давлатнинг даромад ва харажатлари ҳамда уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси. Давлат бюджети давлат даромадлари ва харажатларининг пул билан ифодаланадиган йиллик мажмуи.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПРОФИЦИТИ — давлат бюджети даромадларининг харажатларга нисбатан кўпроқ бўлиши.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТАҚЧИЛЛИГИ - бюджет харажатларининг бюджет даромадларига нисбатан ошиб кетиши натижасида молиявий ресурслар етишмовчилигининг вужудга келиши.

ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ЁРДАМИ — меҳнатга лаёқатининг йўқлиги, ишсизлиги, даромад манбаи мавжуд бўлмагани сабабли мустакил равишда ўзини моддий таъминлай олмаган шахсларга давлат томонидан бериладиган ёрдам.

ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯСИ — давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қуйилишини ифодалайди.

ДАВЛАТ ИЧКИ ҚАРЗЛАРИ — давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ — давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналарга айлантиришдир.

ДАВЛАТ ТАШҚИ ҚАРЗИ — давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистан Республикаси мажбуриятларининг йиғиндиси.

ДАВЛАТ ҚАРЗЛАРИ — давлатнинг мамлакатда қимматли қоғозларни чиқариш шаклидаги турли бюджетдан ташқари фондлардан (ички қарз) ҳамда хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек халқаро молиявий ташкилотлардан (ташқи қарз) олган қарзлари.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ - бу давлатнинг мажбурлов кучига таянадиган, субъектлар ўртасида ҳукмронлик ва тобеликка асосланадиган оммавий-сиёсий муносабатлардир. Давлат ҳокимиятини характерловчи қуйидаги белгилар мавжуд: а) ҳокимият бутун жамият миқёсида татбиқ этилади; б) ҳокимият оммавий-сиёсий характерга эга; в) давлатнинг мажбурлов кучига таянади; г) ҳокимият махсус шахслар томонидан амалга оширилади.

ДАРОМАД — бу ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг уни ишлаб чиқариш сарф-харажатларидан ошиши, шунингдек ҳар бир синф, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахснинг янги яратилган қийматда мавжуд бўлган ва улар томонидан ўзлаштирилган улуши.

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР — ижтимоий ҳаётнинг демократик тамойилларга асосланишига хизмат қиладиган ташкилот ва тузилмалар мажмуи.

Демократик институтларни ўз моҳиятига кўра: а) анъанавий ижтимоий-сиёсий институтлар: давлат; сиёсий партиялар; жамоат ташкилотлари; оммавий ахборот воситалари; б) мавжудлиги ёхуд фаолият йуналишига кўра фақат демократик жамиятлардагина мавжуд бўлиши мумкин бўлган махсус институтлар: инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ; омбудсман институти каби тузилмаларга ажратиш мумкин.

ДЕМОКРАТИЯ - (грекча demos — халқ, kratos — ҳокимият, халқ ҳокимияти) —

сиёсий режим саналиб, у қуйидаги белгиларни ўзида мужассам этиши билан характерланади: 1) инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлангани; 2) эркин ва адолатли сайлов тизимининг мавжудлиги; 3) муҳолифат тарафидаги камчилик шахслар ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши; 4) сиёсий плюрализмнинг мавжудлиги; 5) ҳокимиятнинг легитимлиги; 6) ҳокимиятнинг бўлиниш принципига амал қилиниши; 7) сиёсий ракобатнинг мавжудлиги.

ДЕПУТАТ — Қонунчилик палатаси ёки давлатнинг бошқа вакиллик органига ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органига сайланган шахс.

ДЕФИЦИТ - бирор нарсанинг етишмаслиги, камчилиги, жумладан, товарлар етишмаслиги, бюджет маблағининг етишмаслиги.

ЖАМИЯТ — тарихий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсулидир. Жамият — индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, шунингдек уларнинг қонунлар, анъана ва нормалар воситасидаги ўзаро ҳаракатларининг маҳсули, улар ҳаётининг маълум бир ташкилийлиги, моҳияти жиҳатидан индивидлар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги турли (иқтисодий, оилавий, маънавий, синфий, диний ва бошқа) муносабат ва алоқаларнинг йиғиндисидир.

ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ ТИЗИМИ - муайян сиёсий функцияларни амалга оширувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари тизимидир. Жамиятнинг сиёсий тизимига қуйидаги тузилмалар киради: давлат, сиёсий партиялар, сиёсий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари ва бошқалар.

ИЖТИМОЙ СОҲА — аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат килувчи соҳа ва тармоқлар мажмуаси. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, спорт, маданият муассасалари ва бошқа тузилмаларни киритиш мумкин.

ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК - одамлар томонидан амалга оширилувчи фаолият тури сифатида намоён бўлади. Айни вақтда ижтимоий фаоллик муайян одамнинг муайян тарзда амалга оширилган фаолиятининг жамият манфаатига йўналтирилганида намоён бўлади.

ИНВЕСТИЦИЯ — бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар пайлар кимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир. Инвестициялар — фойда олиш ҳамда ижобий ижтимоий самарага эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари.

ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАСИ — муайян вақт мобайнида аниқ мақсад билан белгиланган вазифаларни бажариш учун мўлжалланган ўзаро бир-бирига боғлиқ тадбирлар мажмуи тушунилади.

ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИ - бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-ҳукукий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи.

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ФАОЛЛИК — турли иқтисодий субъектлар (давлат, корхона ва ташкилотлар, жамғармалар ва ҳ.к.)нинг даромад олиш мақсадида миллий ёки хорижий иқтисодиётларга инвестиция ресурсларини киритишга интилиши.

ИНВЕТОР — хусусий ва қарзга олинган мулкӣ ва интеллектуал кийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъекти. Инвесторлар — хусусий ва қарзга олинган мулкӣ ва интеллектуал кийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳукукига эга бўлади. Инвесторлар кредитор ва харидор ролини бажаришлари, шунингдек инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажариши мумкин. Одатда, инвесторлар капитал қуйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайди, шартнома шартларини ишлаб чиқади ва инвестиция актининг бопқа субъектлари билан — контрактор, ҳукумат органлари, якуний маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — инсоннинг давлатга муносабати бўйича ҳукукий

мақомини, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги имконият ва даъволарини ифодаловчи тушунча.

ИНФЛЯЦИЯ — пул муомаласи қонуниятларининг бузилиши билан боғлиқ ҳолда ҚОҒОЗ пулларнинг кадрсизланиши ва бунинг оқибатида нарх-навонинг ўсиши.

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ - фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини кондиритиш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки даромад келтирадиган фаолият.

ИШ ЎРНИ — тегишли равишда жиҳозланган ва иш куруллари билан таъминланган, миқдор ва сифат кўрсаткичларига эга бўлган, белгиланган меҳнат меъёрига кўра ишлаб чиқариш топшириғи ёки функциясини бажарувчи ходимнинг ёки ягона ишлаб чиқариш топшириғини, ёхуд технология жиҳатдан ажралмас функцияни бажарувчи ходимлар гуруҳининг меҳнат фаолияти амалга ошадиган макон тушунилади.

ИШ ҲАҚИ — ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ОЧИҚЛИГИ — мамлакат иқтисодиётининг халқаро меҳнат тақсимотига интеграциялашиш даражасидир.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ — реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ - „ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги“ тушунчасининг ҳамма таркибий қисмларини, шу жумладан, товар ва хизматлар сифатининг яхшиланиши, рақобатдошлигининг ошиши, янги товарларни ишлаб чиқаришни, янги технологияни ўзлаштириш, фойдаланиладиган ресурслар кайтимининг ўсиши, ишлаб чиқариш харажатларининг камайиши.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ СИФАТИ — мамлакат иқтисодий ривожланишида ижтимоий йўналтирилганликнинг кучайиши.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ — 1997 йил 29 августда қабул килинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури „Таълим тўғрисида“ги қонуннинг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибаларнинг таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ — эркинлаштириш, давлатнинг иқтисодий ҳаётга аралашувини чеклаш, бозор муносабатлари соҳасининг кенгайиши, бозорларнинг ва рақобатнинг очилиши, бозорнинг амал қилишига қўйилган турли чеклашларнинг олиб ташланиши, баҳолар, фойзаларни маъмурий йўл билан назорат қилишнинг сусайиши, марказлашган ҳолда дотация бериш, субсидия шаклидаги кредитларнинг камайиши.

МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР — мамлакат иқтисодиётидаги ижтимоий- иқтисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берадиган кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик инфляция даражаси ва бошқалар.

МАҲАЛЛА — Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-ҳудудий бирлик уюшма.

МОДЕРНИЗАЦИЯ — (французча modernizer — замонавий) — замонавийлаштириш, ҳозирги давр талабларига мутаносиб равишдаги ўзгаришларни амалга ошириш.

НАФАҚА — фуқароларга қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда қисман ёки тўлиқ меҳнатга лаёқатсизлик оғир моддий шароит, болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек қариндошлардан бири вафот этган тақдирда мунтазам ёки бир марта бериладиган пул тўловларидир.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ — нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад олишни уз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни ўз қатнашчилари ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

ОИЛА — эр-хотинлик иттифоқига, қариндошлик алоқаларига, умумий хўжалик юритадиган эр ва хотин, ота-она ва болалар, ака-ука ва опа-сингиллар, бобо-бувилар ҳамда бошқа қариндошлар ўртасидаги муносабатларга асосланадиган кичик ижтимоий гуруҳ, жамиятнинг асоси, давлат қудратининг манбаи.

РЕАЛ ДАРОМАДЛАР — нарх-наво даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорини кўрсатади.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ — тиббий ёрдамни ташкил этиш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлик даражасини яхшилашга қаратилган ва ижтимоий-иқтисодий характерга эга бўлган давлат ва жамият чоратадбирлари йиғиндиси.

ТАШҚИ САВДО - бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ — мамлакат, мамлакатлар гуруҳи ташқи савдо фаолияти ҳажмининг пул кўринишидаги ифодаси бўлиб, муайян вақт оралиғидаги (масалан, йил давомидаги) экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндисига тенг бўлади.

ТАШҚИ САВДО БАЛАНСИ САЛЬДОСИ — мамлакат экспорта ва импорти ҳажми ўртасидаги фарқ тафовут.

ТУРМУШ ДАРАЖАСИ — аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланиш ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ — ўзаро мантиқий изчиллик асосида боғланган ҳамда соддадан мураккабга қараб ривожланиб боровчи ва бир-бирини тақозо этувчи босқичлардан иборат яхлит таълим тизими.

ФАОЛИЯТ (ТАДБИРКОРЛИК) — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣй жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари қарор топадиган, кўппартиявийлик сиёсий мафкура ва фикрлар хилма-хиллиги таъминланадиган, ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тизим.

ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК — бу фуқаролар (алоқида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкӣй жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислон Каримов. “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2014 йил.
2. Ислон Каримов. “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш - ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. Т.: “Ўзбекистон” нашриёти. 2013 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури тўғрисида”. // 2015 йил 18 февраль.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.: “Маънавият” 2008.
5. “Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш - ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услугий мажмуа. – Тошкент: “O'QITUVCHI” НАШРИЁТ МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ. 2014 йил.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир» номли маърузасини халқ таълими раҳбар ва педагог ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари таянч ўқув режасидаги «Долзарб мавзулар» бўлими бўйича машғулотнинг ўқув-мавзу режаси.....	6
. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир» номли маърузасини ўрганиш бўйича тавсиялар.....	7
Таълим муассасаларида Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир» номли маърузасини ўрганиш бўйича кўргазмали воситалар.....	10
Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш — бош мақсадимиздир» номли маърузасини ўрганиш бўйича тест саволлари.....	31
ГЛОССАРИЙ.....	36
Фойдаланилган адабиётлар.....	44

Босишга рухсат этилди 2015 йил ____ июнь. Адади 200 нусха. Ҳажми 2,25 босма табоқ. Андижон давлат университетида чоп этилди.

Манзил: Андижон шаҳри, Наманган кўчаси, 129-уй